

ШАРТНОМА № 2

" 05 " январь 2022 йил.

Урганч ш.

Устав асосида иш юритувчи, кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилувчи "ИНТЕЛЛЕКТ СЕРВИС" МЧЖ номидан бош директор **И. Гофуров** бир томондан ва Низом асосида иш юритувчи бундан кейин "Буюртмачи" деб юритилувчи "МУСАФФО ОБИ ХАЁТ" МЧЖ номидан раҳбари _____ иккинчи томондан, биргаликда "Томонлар" деб аталадиган мазкур Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. Коммунал хизматлар учун тўлов тизимини такомиллаштириш ва ишончли ҳисоб-китобини юритиш мақсадида, "Ижрочи" "БУЮРТМАЧИ"нинг топшириғига асосан ўзига тегишли бўлган хусусий Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари ва аъзолари (мулкдорлари) ўртасида ҳисобот юритиш учун мўлжалланган автоматлаштирилган биллинг тизими Water Control Биллинг электрон дастурий таъминотини жорий этиш ва келгусида узлуксиз ишлашнинг таъминлаш ҳамда такомиллаштириш билан боғлиқ хизматларни курсатади.

1.2. Кўрсатиладиган Хизматлар қуйидагилардан иборат: автоматлаштирилган биллинг тизимини (АБТ-қискартирилган) дастлабки тадбиқ этиш, маълумотлар базасини яратишда ёрдам бериш, АБТни ишлашнинг таъминлаш ва янгилаш, АБТ билан ишлашда "БУЮРТМАЧИ"нинг ходимларини малакасини ошириш ҳамда дастлабки ўрнатилган версиясини ўзгартирмаган ҳолда тизимнинг узлуксиз ишлашнинг таъминлаш. Ушбу Шартномага мувофиқ, "БУЮРТМАЧИ"нинг талабига кўра, ахборот тизимларининг дастурий модуллари, агар ушбу ўзгаришлар ахборот тизимларининг дастлабки матнининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаса, уларни такомиллаштириш учун ўзгартирилиши мумкин, акс ҳолда ахборот тизимлари уларни такомиллаштириш учун ўзгартирилиши мумкин ёки янги версия янги шартнома асосида ўрнатилган бўлиши керак;

Water Control Биллинг тизимини дастурнинг бажарилишини техник қўллаб-қувватлаш, Water Control Биллинг тизимини "БУЮРТМАЧИ"нинг ходимларини малакасини ошириш;

Water Control Биллинг тизимини дастурларини, дастурлараро асосий маълумотлар билан алмашишга имкон берадиган интеграциялашувини таъминлаш.

1.3. Автоматлаштирилган Water Control Биллинг тизимида мулкдорларнинг ҳисобини юритиш, тақдим этилган хизматлар учун тўловларни ҳисоблаш, электрон тўлов тизимлари орқали тўловларни амалга оширишни, мулкдорларнинг шахсий кабинетларини ишлатишнинг таъминлаш, ХУЖМШ ходимлари учун мобил иловаларни ҳамда мулкдорлар

ва ХУЖМШ ўртасида қулай ва тўғри ҳисоб-китобни таъминловчи бошқа замонавий функцияларни таъминлаши керак.

1.4. Ахборот тизимининг нотўғри ишлаши ёки уларнинг ишида узилиш ҳолатлари бўлган тақдирда, "БУЮРТМАЧИ" алоқа воситалари (телефон) орқали муаммонинг характери тўғрисида "Ижрочи"ни хабардор қилиши керак. "Ижрочи" ахборотни олиш пайтидан бошлаб бир кун муддатда ахборот тизимларидаги носозликларни бартараф этиш бўйича чоратадбирлар кўришга мажбурдир.

2. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ.

2.1. Хизматларнинг қиймати ушбу Шартноманинг 1-иловасида белгиланган. 1-илова ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

2.2. Бир календарь ой учун хизматлар қиймати **5 300 000 (беш миллион уч юз минг) сумни** ташкил этади.

3. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1. "БУЮРТМАЧИ" ҳар ой кейинги ой бошланишигача ушбу Шартноманинг 2.2-бандида Хизматлар учун кўрсатилган умумий қийматдан 100% миқдорда "Ижрочи"нинг ҳисоб рақамига олдиндан тўлашни амалга ошириш мажбуриятини олади.

3.2. "Ижрочи" томонидан кўрсатилган хизматлар учун счет-фактура ҳисобот ойининг бошида ойда бир марта расмийлаштирилади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. "БУЮРТМАЧИ" нинг мажбуриятлари:

маълумотлар базасини шакллантириш ва тизимни техник қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш.

коммунал хизматлар учун тўловларни йиғиш тизимига жалб қилинган ташкилотлар билан керакли ҳужжатларни расмийлаштириш.

ушбу Шартномада белгиланган муддатларда ва миқдорда олдиндан тўловни амалга ошириш;

ушбу Шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда кўрсатиладиган хизматлар учун якуний тўловни амалга ошириш.

4.2. "Ижрочи" нинг мажбуриятлари:

"Ижрочи" ушбу Шартномага мувофиқ кўрсатиладиган хизматлар сифати ва ўз муддатида амалга оширилишига жавобгардир.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган тақдирда "Ижрочи" "БУЮРТМАЧИ"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "БУЮРТМАЧИ" "Ижрочи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 20 % ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. "БУЮРТМАЧИ" томонидан 3 ойдан ортиқ муддатга тўловлар кечиктирилган тақдирда "ИЖРОЧИ" "БУЮРТМАЧИ"ни Water Control автоматлаштирилган биллинг тизимидан тўлиқ узиб қўйиш ва/ёки дастурга кириш имкониятини қисман чеклаш ҳуқуқига эга.

5.4. Ушбу Шартномада кўзда тутилмаган пунктларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ тартибга солинади.

6. КОНФИДЕНЦИАЛЛИК.

6.1. Томонлар ушбу Шартномани тайёрлаш ва бажариш билан боғлиқ бошқа томонидан тақдим этилган ҳар қандай маълумотларга нисбатан конфиденциалликни сақлаш мажбуриятини оладилар.

6.2. Томонлар ошкор қилиб бўлмайдиган (конфиденциал) маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш ва ошкор қилинишини олдини олиш ҳамда махфий маълумотлар сир сақланишини таъминлаш учун барча чораларни кўради, бунда:

6.2.1. Конфиденциал маълумотлар фақат шу каби конфиденциал маълумотларни ошкор қилмаслик бўйича олдиндан огоҳлантирилган томонларнинг масъул ходимларига ошкор қилинишини кафолатлайди;

6.2.2. Ушбу Шартномани тузиш унинг шартларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган учинчи шахсларга Шартноманинг мазмуни ва шартларини ҳамда барча конфиденциал маълумотларни ошкор этмаслик;

Ушбу Шартномада кўзда тутилган қоидалардан ҳеч бир тарафлар томонидан конфиденциал ахборотни ошкор қилиш тақиқланган деб талқин этилмайди.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

7.1. Томонлар музокаралар йўли билан ушбу Шартнома бўйича юзага келадиган барча тафовут ва низоларни ҳал қилиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширадилар.

7.2. Агар келишмовчиликлар, низолар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, ҳар икки томон жавобгар жойлашган жойидаги Хўжалик судига мурожаат қилиши мумкин. Хўжалик судининг қарори якуний ва иккала томон учун мажбуридир.

8. ФОРС-МАЖОР.

8.1. Томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табiiй офатлар) ёки шартнома бекор қилинишига оид меъерий-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши оқибатида қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавобгар ҳисобланмайди.

8.2. Табiiй офатлар бошланган ва тамом бўлганлигини маълум қилувчи томон бошқа томонни бу тўғрисида 10 кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган томон мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинмайди.

9. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

9.1. Ушбу Шартнома томонларнинг имзоланиши билан кучга киради ва 2026 йил 31 декабргача амал қилади. Томонлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар масалалари бўйича Шартнома томонлар мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

Агар томонлардан шартнома муддати тугаганлигига бир ой қолган муддатда шартнома шартларига ўзгартириш ва тугатиш ҳақида ёзма равишда муурожаат келиб тушмаса, ушбу шартнома кейинги йил учун ҳам амал қилади.

10. БОШҚА ШАРТЛАР.

10.1. Ушбу Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10.2. Ушбу Шартнома икки нусхада ўзбек тилида имзоланади, иккаласи бир хил қонуний кучга эга.

10.3. Томонларнинг бирида ташкилий-ҳуқуқий тузилманинг ўзгариши, номи, раҳбарияти, почта манзили ёки банк реквизитлари ўзгариши Шартномани бекор қилиш учун асос бўлмайди. Бундай ўзгаришлар содир бўлган тақдирда, ушбу ўзгаришлар содир бўлган томон ушбу ўзгартириш киритилган санадан бошлаб 3 (уч) банк кунида бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилиши керак.

10.4. Шартноманинг шартлари томонларнинг ўзаро келишуви билан қўшимча битим имзоланиши билан ўзгартирилиши мумкин.

11. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК АДРЕСЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ.

"ИЖРОЧИ"

"БУЮРТМАЧИ"

"ИНТЕЛЛЕКТ СЕРВИС" МЧЖ

"МУСАФФО ОБИ ХАЁТ" МЧЖ

Манзили: Урганч шаҳри, 4 даха 55/2 уй

Ҳисоб рақам: 20208000903773319001
"Хамкорбанк" акциядорлик-тижорат банкининг Урганч филиалида МФО: 01020, ИНН 202540002, ОКЭД 58290.
тел./фах:

Раҳбар: И. Гафуров.



(имзо)

м.у.

Манзили: «MUSAFFO OBI HAYOT»

Toshkent sh., Yunusobod t.ni,
Bog'ishamol ko'chasi, 151-uy.
H/r: 2020 8000 1046 2042 4001
Ҳисоб рақам: «ПРОТЕКА BANK»
Toshkent shahar Yunusobod filial
МФО: 00 837 INN: 300 472 766
ИНН: 202540002 ОКЭД: 58290
Tel: 289-13-63 Fax: 289-13-63



тел.

Раҳбар

(имзо)

(исми, фамилияси)